

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2025 йил сентябрь ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи А.Миножиддинов, Н.Зайлобидиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бувайда туман прокурори ёрдамчиси Б.Тўхтақўзиев, судланувчи Б.Исомиддинов ва унинг ҳимоячиси - Фарғона вилоятидаги “Адолат шамчироғи” адвокатлик фирмаси адвокати И.Шамсиддинов, жабрланувчи У.Жумаевнинг иштирокида, Исомиддинов Баходиржон Акмалжон ўғлига нисбатан 1-1508-2501/180-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Исомиддинов Баходиржон Акмалжон ўғли - 1999 йил 26 январда Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Бувайда тумани, Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини, Тинчлик кўчаси, 23-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 12 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланганлар.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Исомиддинов жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан уриш-дўппослаш, баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир қилганлар.

Жумладан, у 2025 йил 6 февраль куни соат 20 ларда Бувайда тумани, Деҳқонобод кишлоғи марказида “Lacetti” русумли автомашинасида “Nexia” русумли автомашина ҳайдовчиси У.Жумаев билан йўл таллашиб, ўзаро жанжаллашиб, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ўзининг безорилик ҳиссиётларидан келиб чиқиб, ҳеч бир сабабсиз У.Жумаевни танасининг турли жойларига уриб-тепиб, қасддан ўртача оғирликда тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 10 февралдаги 259-сонли хулосасида, У.Жумаевда қўшалок тан жароҳати, кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, чап томонидан 2-7-қовурғаларни ёпиқ синиши, ёпиқ калла мия жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг кўз косаси атрофи, пешона, ўнг кўзини ташқи бурчаги, чап чакка, бўйин, ўнг умров, юқори лаб соҳалари юмшоқ



тўқималарини лат ейиши, қонталаши, шилинган жароҳатлари ва юқори лаб шиллиқ қавати остига қон қуйилиши аниқланиб, бу тан жароҳатлари соғлигини 21 кундан ортик, 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Б.Исомиддинов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2025 йил 6 февраль куни турмуш ўртоғи ҳомиладор бўлгани сабабли Бувайда тумани, Янгиқўрғон маҳалласидаги туғруқхонага олиб келиб, сўнг фарзанди бўлгани сабабли турмуш ўртоғини кийимлари ва озиқ-овқат олиб келиш учун автомашинасида яшаш хонадонига тезроқ ҳаракатлангани, Дехқонобод қишлоғига етган вақтида олдида автомашинада кетаётган У.Жумаевдан ўтиш мақсадида бир неча маротаба чироқларини ёқиб ўчириб, сигнал бергани, бироқ У.Жумаев йўл бермагани сабабли қувиб ўтиб, тўхтатиб, йўл берганлик ҳолати бўйича жанжаллашиб кетиб, уни уриб, жароҳат етказгани, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплагани, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи У.Жумаев судда, 2025 йил 6 февраль куни соат 20 ларда автомашинасида Бувайда тумани, Янгиқўрғон маҳалласидан Дехқонобод қишлоғига кетаётган вақтида йўл четида йўловчилар бўлгани сабабли автомашина тезлигини биров пасайтириб ҳаракатлангани, шунда ортидан Б.Исомиддинов ўзининг автомашинасида бир неча маротаба ортидан тираб келиб, сигнал чалиб, чироқларини ёқиб ўчириб, йўл беришни сўрагани, шунда у автомашинасини биров четга олганида Б.Исомиддинов уни тўхтатиб, автомашинасидан тушиб келиб уриб ташлагани, ҳозирда судланувчи унга етказилган зарарларни қоплаганини айтиб, қонуний жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Б.Исомиддиновнинг содир этган жинояти унинг судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи У.Жумаевнинг суддаги кўрсатуви, шунингдек, суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 10 февралдаги 259-сонли хулосаси (и.в.17-20) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Б.Исомиддиновнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Б.Исомиддиновнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 1-бандида, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши, қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун юқорида кўрсатилган оқибатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилмаслиги, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик



деганда, қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналарга ҳурматсизлик тушунилиши, қонун мазмунига кўра, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозимлиги, бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлиги;

13-бандида эса, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари кераклиги, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Б.Исомиддинов 2025 йил 6 февраль куни соат 20 ларда Бувайда тумани, Деҳқонобод қишлоғи марказида “Lacetti” русумли автомашинасида “Nexia” русумли автомашина ҳайдовчиси У.Жумаев билан йўл таллашиб, ўзаро жанжаллашиб, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, ўзининг безорилик ҳиссиётларидан келиб чиқиб, ҳеч бир сабабсиз У.Жумаевни танасининг турли жойларига уриб-тепиб, қасдан ўртача оғирликда тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 14-бандида, судлар безорилик жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда жиноят қонунининг умумий асосларидан ва Олий суд Пленумининг жиноят учун жазо тайинлаш масалаларига бағишланган қарорларида берилган тушунтиришлардан келиб чиқишлари лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг

8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Б.Исомиддиновга нисбатан жазо тайинлашда содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат аниқланмагани, енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахси, муқаддам судланмагани, айбига иқрор, қилмишидан пушаймонлиги, моддий зарарнинг қоплангани, оилали, 2 нафар фарзанди борлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги фикрини инобатга олиб, айбланган



модда санкцияси доирасида мажбурий жамоат ишлари тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Исомиддинов Баходиржон Акмалжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Исомиддинов Баходиржон Акмалжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан 360 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ жойи ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгилансин.

Жазо муддати Б.Исомиддинов жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Бувайда туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Исомиддинов Баходиржон Акмалжон ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Миножиддинов

нусхаси аслига тўғри

А.Миножиддинов

